

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**



International
Organization for
Standardization



International
Electrotechnical
Commission



ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**«Жаҳонда стандартлаштириш ва техник жиҳатдан
тартибга солиш ҳолати ва ривожланиш истиқболлари»**

МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

**«Состояние и тенденции развития стандартизации и
технического регулирования в мире»**



СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

**13-14 Октябрь, 2022
Ташкент, Узбекистан**

аккредитация тизими умумқабул қилинган халқаро стандартлар асосида фаолият юритса, хорижий ҳамкорларимиз мувофиқликни баҳолаш жараёни халқаро стандартлар ва меъёрлар асосида ўтказилганлигига яқдил ишонадилар. Шунингдек, Аккредитация тадқиқотларни халқаро стандартлар даражасида бажариш имконини беради, бу эса олинган натижаларни барча иштирокчилар томонидан тан олиншини таъминлайди. Халқаро стандартлар ташкилоти ҳамда Халқаро электротехник комиссия мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказувчи ташкилотларга алоқадор стандартларни ишлаб чиқишган. Унда аккредитация органи қандай фаолият юритмоғи лозим, нималарга эътибор қаратиши керак, аккредитация қандай амалга оширилади ва бу жараёнда қандай талаблар қўйилмоғи керак, ходимлар компетентлиги қандай каби регламент талаблари бор. Аслида, ҳар бир давлатнинг аккредитация органи мана шу стандартларга кўра ўз фаолиятини олиб боришдан манфаатдор.

Адабиётлар.

1. ГОСТ ИСО/МЭК 17025-2009 Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий. – М.: Стандартиформ, 2012. – 28с.
2. Федеральный закон от 28.12.2013 N 412-ФЗ (ред. от 29.07.2018) Об аккредитации в национальной системе аккредитации. – М.: Кремль, 2013. – 43с.
3. Приказ Минэкономразвития от 30 мая 2014 г. № 326 об утверждении критериев аккредитации, перечня документов, подтверждающих соответствие заявителя, аккредитованного лица критериям аккредитации, и перечня документов в области стандартизации, соблюдение требований которых заявителями, аккредитованными лицами обеспечивает их соответствие критериям аккредитации. – М.: Минюст, 2014. – 75с.
5. ГОСТ ISO/IEC 17025-2019 Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий. – М.: Стандартиформ, 2019. – 25 с. 6. Приказ ФСА от 09.09.19 №144 «Об утверждении плана перехода участников национальной системы аккредитации на применение международного стандарта ISO/IEC 17025:2017 «Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий»
6. Мамаджонов А., Кулдашев Ж. EVALUATION OF COMPLIANCE OF PRODUCTS AND SERVICES.-- журнал ARES 2021 год 9/2 .
- 7 Мамаджанов А.А., Кулдашев Ж.У. Анализ испытательной лаборатории и переход на новую версию гост iso/iec 17025-2019 «Роль науки и образования в модернизации предприятий нефтегазовой отрасли» 3 ноября 2021 года (Материалы республиканской научно-технической конференции)/

ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

Рахмонов Фурқат Абдухакимович

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

***Аннотация:** Одатда сертификатлаштирилаётган маҳсулотга меърий хужжатларда тавсифлар (кўрсаткичлар) рўйхати, мажбурий сертификатлаштиришда турган текишириш, сертификатлаштириш синовини ўтказиш тартиби ва ҳажми, ҳамда зарурият бўлганда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик талаблардан таркиб топган бўлади.*

***Аннотация:** Обычно сертифицируемый товар содержит перечень технических условий (показателей) в нормативных документах, обязательный сертификационный*

контроль, порядок и объем сертификационных испытаний, а при необходимости - гигиенические, ветеринарные, фитосанитарные или экологические требования.

Annotation: Usually, a certified product contains a list of technical conditions (indicators) in the in regulatory documents, mandatory certification control, the procedure and scope of certification tests, and, if necessary, hygienic, veterinary, phytosanitary or environmental requirements.

Курилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш тартиби қуйидаги кетма-кетликдан иборат:

1) Сертификатлаштиришга аризани расмийлаштириш. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими доирасида сертификатлаштиришни ўтказиш учун маҳаллий ёки хорижий аризачи курилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш идорасига сертификатлаштириш бўйича аризани жўнатади. Ишлаб чиқарилаётган курилиш маҳсулотини сертификатлаштириш ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот меъёрий ҳужжатининг нусхасини;
- маҳсулотни тамғалаш намунасини (маҳсулот ҳақида маълумот);
- гигиеник сертификат нусхаси (у бор бўлса), давлат санитария назорати идораси лабораториясининг синов натижалари ва меърий ҳужжатларда (ветеринария ва фитосанитария хулосалари, экологик сертификатлар) ўрнатилган бошқа талаблар тўғрисида таркиб топган маълумотлар.

Агарда аризачи бир вақтни ўзида мувофиқлик сертификати ва гигиеник сертификатларни олиш учун ариза берган бўлса, бу ҳолатларда гигиеник сертификатнинг нусхасини расмийлаштиришдан сўнг уни ўрнатилган тартибда тақдим этади.

Олиб келинаётган маҳсулотларни сертификатлаштиришда юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари аризачи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди божхонасига келганлиги (товар-транспорт юк хати, ҳисоб-фактура, инвойс) тўғрисида маҳсулот иловаси ҳужжатлари нусхаларини тақдим қилади.

Аризани бериш пайтида сертификатлаштириш идораси бўлмаса, ариза сертификатлаштириш миллий идорасига жўнатилади. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси бир нечта бўлганда, аризачи улардан ҳоҳлаганига ариза бериш ҳуқуқига эга.

Аризачида бундай идоралар ва сертификатлаштириш тартиби ҳақидаги муълумотлар бўлмаса уни сертификатлаштириш миллий идораси ёки ССМдан олиши мумкин.

Сертификатлаштириш идораси 2 кундан кўп бўлмаган вақтда аризани кўриб чиқиш ва тақдим қилинган ҳужжатлар таҳлилини ўтказди, сертификатлаштиришнинг барча асосий шартлари, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибида ўрнатилган асослар, шунингдек, сертификатлаштириш схемаси ва сертификатлаштиришни ўтказишда мувофиқлик учун зарурий меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги қарор ҳақида аризачига хабар қилади.

Қарорда синовни ўтказишда аккредитланган синов лабораторияси ва сифат менежменти тизими ёки ишлаб чиқаришни (агар бу сертификатлаштириш схемасида кўрилган бўлса) ким томонидан сертификатлаштирилиши кўрсатилади.

Қарорда гигиеник сертификат, ветеринария хулосаси, фитосанитария ёки экологик сертификатларни олиш зарурлиги ҳам кўрсатилади.

Маҳсулотни сертификатлаштиришни ўтказиш муддати маҳсулот меёрий ҳужжатларида ўрнатилган синов муддати ва синов усулларига боғлиқ бўлади, аммо, бир ойдан кўп бўлмайди.

2) Сертификатлаштириш схемаларини ҳар бир муайян ҳолатларда аризачи таклифи, ҳажми ва етказиш муддатлари, синов усуллари, ишлаб чиқариш хусусиятлари ва унинг барқарорлиги хатарлар, ҳамда истеъмолчилар учун ушбу маҳсулотнинг хавфларини ҳисобга олиб сертификатлаштириш идораси танлайди.

3) Меёрий ҳужжатни танлаш. Мажбурий сертификатлаштиришда муайян маҳсулотга *меёрий ҳужжатлар* қўлланилади. Бундан ташқари қурилиш маҳсулотига ўрнатилган мажбурий талаблар, бошқа расмий нашр қилинган меёрий ҳужжатлар, синов усуллари стандартлари, техник регламентлар, қонуний актлардан фойдаланилади.

Одатда сертификатлаштирилаётган маҳсулотга меёрий ҳужжатларда тавсифлар (кўрсаткичлар) рўйхати, сертификатлаштириш синовини ўтказиш тартиби ва ҳажми, ҳамда зарурият бўлганда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик талаблардан таркиб топган бўлади.

Агар меёрий ҳужжатда сертификатлаштириш синови ҳақида бўлим бўлмаса ёки давлатлараро стандартлар қўлланилса, яъни, бу стандартдаги барча талаблар мажбурий деб ёзилган бўлса, унда сертификаташтириш идораси меёрий ҳужжатда кўрсатилган барча комплекс тавсифларидан, хавфсизлик бўйича талабларни тавсифловчи кўрсаткичларни танлаб олади.

Агарда аризачи маҳсулотнинг меёрий ҳужжатини тақдим қилмаса, сертификатлаштириш идораси мавжуд маҳсулот тури аналогиче меёрий ҳужжат фондидан сертификатлаштириш учун фойдаланади. Бунда аризада кўрсатилган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд техник ҳужжатини ҳисобга олиб қўшимча синов дастури ишлаб чиқилади.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар халқаро стандартлар билан уйғунлашган стандартлар, ёки буюртмачи ва (аризачи) ташкилот ўзaro контрактда келишувларни ҳисобга олиб импорт қилувчи давлат меёрий ҳужжат бўйича сертификатлаштирилади.

Халқаро тизим доирасида сертификатлаштиришда, бу тизимда қабул қилинган халқаро стандарт талабларига маҳсулот мувофиқлиги тасдиқланади.

Сертификатлаштиришда меёрий ҳужжатлар барча талабларига мувофиқ текшириш зурур бўлганда сертификатлаштириш идораси унга қўшимча ҳужжатлар (сифат тизими ёки ишлаб чиқаришга сертификати, лаёқатли ташкилот синов баённомалари, гигиеник, ветеринария, фитосанитария, экологик сертификатлар (хулосалар), таъминотчининг техникавий ҳужжатлари ва ҳ.к.) мавжудлигини ҳисобга олиб муайян ҳолатларни аниқлайди.

Бунда гигиеник сертификатларни сертификатлаштириш идорасига берганда, давлат санитария назорати идораси синов баённомалари нусхаси илова қилиниши лозим.

Агар қўшимча ҳужжатларда муайян кўрсаткичлари бўйича синов натижаларидан таркиб топса, унда сертификатлаштириш идораси бу натижаларни мувофиқликни баҳолаш учун қўшимча синовларсиз фойдаланиши мумкин. Бунда бўлиб ўтган синов муддатини ҳисобга олинади. Бунда у маҳсулотнинг меёрий ҳужжат бўйича яроқлилик муддатидан ошмаслиги лозим.

4) Намунани (проба) идентификациялаш, танлаб олиш, тамғалаш ва пломбалашни сертификатлаштириш идораси ёки синов лабораторияси аризачи иштирокида амалга ошириб, бунда, намунани синаш жойига етказиш таъминланади.

Сертификатлаштириш учун синов, истеъморчиларга етказиладиган маҳсулотга айнан ўхшаш бўлиши, яъни, ишлаб чиқариш технологияси ва таркиби, конструкцияси, серияли маҳсулотдан ёки партиядан танлаб олинган намуна бўйича ўтказилади.

Намуналар миқдори, танлаб олиш тартиби, сақлаш ва идентификациялаш қоидалари сертификатланаётган маҳсулот ва синов усуллари меъёрий ҳужжатларида белгиланади.

Республикаимизга олиб келинаётган маҳсулот партиясидан танлаб олишни сертификатлаштириш миллий идораси ўрнатган, аккредитланган идоралар ва лабораторияларида, синаш учун олиб келинаётган маҳсулотдан танлаб олиш меъёр чегараларига риоя қилиниши зарур.

Аризачи зарурият бўлганда намуналар маълумотлари бўйича техникавий ҳужжатларни тақдим қилади.

Бунда намуна (проба) танлаб олиш далолатномаси 2 нусхада тузилиб, улардан бири аризачига топширилади.

Импорт қилинаётган божхона таъминотида бўлиши керак бўлган маҳсулотдан намуналар (проба) танлаб олишни, божхона идораси рухсати билан божхона инспектори ва товар эгаси ёки унинг вакили иштирокида сертификатлаштириш бўйича идора вакиллари ўтказишади. Намуна (проба) танлаб олиш далолатномаси уч нусхада бўлиб, улардан иккинчиси божхона идорасига топширилади.

5) Сертификатлаштириш синови мазкур маҳсулотни сертификатлаштиришда фойдаланиладиган меъёрий ҳужжатларда кўрилган ва бу синовни ўтказиш ҳукуқи бўлган аккредитланган синов лабораторияларида ўтказилади.

Сертификатлаштириш вақтида аккредитланган синов лабораториялари бўлмаса, сертификатлаштириш бўйича миллий идора синовни ўтказиш жойини, шarti ва тартибини ва унинг натижаларини ҳолисоналигини таъминлашни аниқлайди.

Аризачи сертификатлаштириш идорасига ишлаб чиқаришга маҳсулотни етказиш ва ишлаб чиқишда ўтказилган синов баённомаси (уни амал қилиш муддатини ҳисобга олиб) ёки Ўзбекистон Республикаси СМТда аккредитланган/тан олинган маҳаллий ёки халқаро синов лабораториялари бажарган синов ҳақида ҳужжатларни ҳам тақдим қилиши мумкин.

Бюютрмачининг илтимоси бўйича унинг вакилига синов шартлари ва лаборатория билан танишиш имконияти берилади. Аризачи ўзининг маҳсулотини синашда қатнашиш ҳукукига эга. Бунда лабораторияда синов меъёрий шартлари сақланиши ва махфийликни таъминлаш бўйича чоралар қабул қилинган бўлиши лозим.

Намуналар синов ишончилиги, сифати ва сақлаш учун мустақил ва техник лаёқатлилигига аккредитланган синов лабораторияси масулиятни ўз зиммасига олади. Синов баённомаларини ваколатга эга мутахассис имзолайди ва лаборатория раҳбари тасдиқлайди.

Мустақил лаборатория бўлмаганда, сертификатлаштириш идораси вакили назорати остида фақат техник лаёқатлилигига аккредитланган синов лабораториясида сертификатлаштириш мақсадида синовни ўтказишга рухсат этилади. Бундай синовни, уни ўтказишга топшириқ берувчи сертификатлаштириш идораси билан бир қаторда синов лабораторияси ҳолисоналиги учун жавобгарликни ўзларининг зиммасига олишади. Синов баённомаларига бундай ҳолатларда, сертификатлаштириш идорасининг эксперт-аудитори ҳам имзо чекади.

Синов баённомаси аризачи ва сертификатлаштириш идораларига тақдим қилинади. Баённомалар нусхаси сертификат амал қилиш муддатидан кам бўлмаган муддат давомида сақланиши керак. Баённомалар нусхасининг муайян сақланиш муддати синов

лабораториясининг ҳужжатларида ва бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибида ўрнатилади.

Агар маҳсулотни синаш алоҳида параметрлар бўйича турли хил аккредитланган синов лабораторияларида ўтказилса, унда мавжуд барча зарурий синов натижалари бўйича ижобий баённомалар бўлса, маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш ижобий деб ҳисобланади.

Синов натижалари салбий бўлган ҳолатларда сертификатлаштириш идораси аризачига сертификат бермаслиги сабаблари кўрсатилган ҳулосани беради.

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар

1. “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1993 й.
2. “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1993 й.
3. “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1993 й. [1]
4. Исматуллаев П.Р., Мақсудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик - Тошкент.: “Ўзбекистон” 2001. - 360б
5. Абдувалиев А.А. и другие. «Стандартизация, метрология, сертификация, качество» – Т.: НИИСМС, 2007 г. [2]
6. Абдувалиев А.А. и др. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. Ташкент, 2005 г.
7. Исматуллаев П.Р., Кодирова Ш.А. Метрология асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Тафаккур” нашриёти 2012, -304 бет. [3]
8. Турчанинов В.И. Метрология, стандартизация, сертификация и управление качеством в промышленности строительных материалов: Учебное пособие. - Оренбург: ГОУ ОГУ, 2004. - 128 с. Крылова А.Н. Основы метрологии, стандартизации и сертификации. М.: Аудит, 1998 г., ЮНИТИ.
9. Шишкин И.Ф. Метрология, стандартизация и управление качеством. М.: Изд. Стандартов, 1990 г. . [4]
10. Лифиц Н.М. Стандартизация, метрология и сертификация. М., 2002 г.
11. Радкевич Я.М., Лактионов Б.И. «Метрология, стандартизация и взаимозаменяемость». Книга 1, Издательство Московского Государственного горного университета. Москва, 1996 г.
12. www.standart.uz

ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ И ТЕХНИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СТАНДАРТИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ РЕФОРМЫ ТЕХНИЧЕСКОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ

Н.Ш.Муминов

профессор кафедры «Стандартизации и сертификации сельскохозяйственных продуктов», д.т.н.

А.Р.Абдурайимов

ассистент кафедры «Стандартизации и сертификации сельскохозяйственных продуктов»

Ж.А.Хамидов

докторант кафедры «Метрология, технического регулирования, стандартизации и сертификации»

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы развития стандартизации и технического регулирования в условиях проводимых реформы, проблемы определения места*

ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКИХ РЕГЛАМЕНТОВ ПРИ ОПРЕДЕЛЕНИИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРОДУКЦИИ

Хакимов О.Ш., Хамидов Ж.А., Эрназарова З.Х., Точностная характеристика обеспечения качества и безопасности химических и пищевых продуктов.....	83
Ходжаев С.А. Развитие национальной системы нормативных документов в строительстве.....	85
Мадиханова Н.С., Сотволдиева Н.С. Требования безопасности для детской одежды.....	91
Абдусаломова Н.С., Усманова Х.А. Озиқ-овқат саноати сифати ва хавфсизлигини бошқариш тизими.....	94
Фаттоев Ф.Ф., Мирпайзиева Г.М. Восприятие качества потребителем при выборе мучных кондитерских изделий.....	97
Усманова Х.А., Эрназарова З.Х. Роль и значение качества продукции в условиях рыночной экономики.....	100
Кадирова Ш.А., Абдуқодиров Ж.А., Хусанов Н.М., Озиқ-овқат саноати сифати ва хавфсизлигини таъминлашда интеграциялашган бошқарув тизимини жорий этиш.....	103
Загидуллина К.Р. Техническое регулирование в современных условиях.....	106

ЦИФРОВИЗАЦИЯ СТАНДАРТИЗАЦИИ И ТЕХНИЧЕСКОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ В ОБЛАСТИ ОЦЕНКИ СООТВЕТСТВИЯ

Мамаджанов А.А., Кулдашев Ж.У. ISO/IEC 17025 халқаро стандарти талабларининг бўйича аккредитация лаштириш жорий этилиши. Аккредитация жараёни ва афзалликлари.....	110
Рахмонов Ф.А. Қурилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш.....	115
Муминов Н.Ш., Абдурайимов А.Р., Хамидов Ж.А. Законодательные и технические аспекты стандартизации в условиях реформы технического регулирования.....	119
Кенжаева З.С., Шеина Н. Е., Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантириш ва ўзбекистон республикасида қилинаётган рақамлаштириш ишлари.....	125
Рахматуллаев С.А., Ахмедова М.А., Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини бошқаришда статистик назорат усуллари таҳлили.....	127
Абдувалиев А.А. Гармонизация национальных норм проектирования к международным требованиям.....	132
Matyakubova P.M., Ismatullayev P.R., Shamuratov J.U. Texnik reglament-korxonada innovatsiyalarni qo'llash vositasi sifatida.....	140

МЕТРОЛОГИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРОЦЕССОВ

Юсупбеков Н.Р., Гулямов Ш.М., Ортиков Э.Э. Классификация струйных расходомеров жидких и газообразных сред.....	143
--	-----